

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**ВАҚТИНЧАЛИК БИНОЛАР ВА
ИНШОТЛАРНИНГ СМЕТА
ХАРАЖАТЛАРИ НОРМАЛАРИ
ТЎПЛАМИ**

ШНҚ 4.09 – 06

РАСМИЙ НАШР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА
ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ-2006**

ШНҚ 4.09–06 вақтинчалик бинолар ва иншоотларнинг смета харажатлари нормалари тўплами (Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» Тошкент 2006 й., 12 бет.).

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш Маркази томонидан СНиП 4.09-91 ўрнига қайта ишланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2006 йил 18 август 39-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш Қўмитаси капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси томонидан тайёрланган.

Норматив ҳужжатдан фойдаланилганда Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш ва Ўзстандарт агентлиги томонидан нашр этилган қурилиш нормалари ва қоидаларига, ҳамда давлат стандартига киритилган ўзгаришлар ҳисобга олиниши керак.

Мазкур норматив ҳужжатни расмий тўлиқ ёки қисман қайта ишлаб чиқиш, кўпайтириш ва тарқатиш Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш Қўмитаси ва ишлаб чиқарган ташкилот рухсатсиз нашр этишга рухсат этилмайди.

Капитал қурилишда
иқтисодий ислоҳотлар ва
нархларни шакллантириш Маркази:
Интернетдаги сайт
электрон почтаси

web: www.stroyinfo.uz
e-mail: stroyinfo@dostlink.net

web: www.stroyinfo.uz
e-mail: stroyinfo@dostlink.net

| | | |
|--|--|------------------------|
| Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва Қурилиш Қўмитаси (Давархитектқурилиш) | Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари | ШНҚ 4.09-06 |
| | Вақтинчалик бинолар ва иншоотларнинг смета харажатлари нормалари тўплами | СНиП 4.09-91 ўрнига |

Кириш

Вақтинчалик бинолар ва иншоотлар қурилиши смета харажатлари нормалари тўплами вақтинчалик титул бинолари ва иншоотларини қурилиш турлари бўйича ўрнатилган нормалар асосида қурилишга кетадиган харажатларни аниқлаш учун мўлжалланган.

Смета нормалари барча корхоналар, ташкилотлар учун, уларни мансублиги ва мулкчилиги усулидан ташқари капитал қурилишга давлат бюджет фондидан фойдаланиши учун мажбурийдир.

Корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларни ўз маблағига қуриладиган қурилишларни молиялаштириш учун смета нормалари тавсияномавий характерга эга.

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур смета харажатлари нормалари тўплами вақтинчалик бинолар ва иншоотларга мўлжалланган бўлиб корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилишини старт баҳосини, вақтинчалик титул бинолар ва иншоотлар қурилишини лойиҳа номида кўрсатилган қурилиш

туридан келиб чиқиб маблағ ўлчамини аниқлайди.

Объект қурилишнинг старт баҳосини ҳисоблаганда вақтинчалик титул бинолар ва иншоотларни харажати бошқа ишлаб чиқариш хусусиятга эга харажатларда ҳисобга олинган.

Вақтинчалик бинолар ва иншоотларга қурилиш даврида, қурилиш монтаж ишларини бажариш учун зарур ва қурилиш ходимларига хизмат этиш учун махсус қуриладиган ёки мослаштирилган ишлаб чиқариш, омборхона, ёрдамчи, яшаш ва жамоат бинолари ва иншоотларига тегишлидир.

Вақтинчалик бинолар ва иншоотлар титуллик ва титулсизликга бўлинади. Тўплам нормаларида ҳисобга олинган титуллик вақтинчалик бинолар ва иншоотларга алоқадор ишлар ва харажатлар рўйхати 2-иловада берилган.

1.2. Титуллик вақтинчалик бинолар ва иншоотлар қурилиши смета нормалари харажати фоиз ҳисобида қурилишнинг қурилиш ва монтаж ишларининг бевосита харажатлари баҳосида жорий нархда ифодаланган (**1 илова**).

| | | |
|--|---|---|
| Иқтисодий ислохотлар бошқармаси томонидан киритилган | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура қурилиш Қўмитасининг 2006 йил 18 августдаги 39-сонли буйруғи билан тасдиқланган | Кучга кириш муддати 18 август 2006 й. |
|--|---|---|

1.3. Смета нормалари қурилиш-монтаж ишлари ишлаб чиқариши учун зарур, ҳамда қурилиш ходимларини қурилиш майдони* чегарасида ёки қурилишни натурада ажратилган трассалар**, мосламалар билан ва қурилиш учун эҳтиёжи мавжуд ва доимий турдаги янгитдан қуриладиган бинолар ва иншоотларни вақтинчалик бинолар ва иншоотларни қуриш ва сўнг бузиш харажатларини ҳисобга олади.

Смета нормаларида фойдаланишга топшириладиган айрим вақтинчалик бинолар ва иншоотлар электростанциялар, трансформатор подстанциялар, қозонхоналар, насосхоналар, компрессор станциялари ва шунга ўхшаш созилаш ишлари харажати ҳисобга олинган.

* **Қурилиш майдони** – лойиҳа бўйича ўрнатилган тартибда, объект қурилишини доимий жойлаштириши учун, ҳамда қурилиш-монтаж ташкилотлари хизмати ва ишлаб чиқариш шароити бўйича аниқланган вақтинчалик ажратилган ҳудуддир.

** **Трасса** – ажратилган полоса чизиқли объект қурилиши (йўллар, трубопроводлар, электр узатиш линиялари ва бошқалар)ни доимий жойлаштириши учун лойиҳа асосида ўрнатилган тартибда план ва бўйлама кесим орқали аниқланади.

1.4. Титулсиз вақтинчалик бинолар ва иншоотларни (айрим объектларни ҳожатини таъминлаш учун) қуриш, йиғиш, бузиш, жорий таъминлаш ва кўчириш харажатлари мазкур тўплам нормаларида ҳисобга олинмаган, ушбу харажатлар пудратчи ташкилотларнинг ишлаб чиқариш характерига эга бўлиб бошқа харажатлар таркибида кўрсатилган. (3 илова).

1.5. Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси ва ресурс смета ҳисобида кўрсатилган, асосланганига мувофиқ вақтинчалик бинолар ва иншоотларни

харажатига қўшимча равишда қуйидагилар қўшилади:

- қурувчиларни махсус тоифадагиларга зарур хизмат кўрсатиш ва ўрнини тўлдириш учун вақтинчалик бинолар ва иншоотлар қурилиши;

- қурилиш-монтаж ташкилотининг бинолар ва иншоотларни қурилиши ва асбоб-ускуналари билан боғлиқ қурилиш объектларига йўлланган ҳарбий-қурилиш қисмларига хизмат кўрсатиш ва жойлаштириш учун кетадиган харажатларини ўрнини тўлдириш;

- вақтинчалик қуриладиган йўлларни қуриш, шу билан бирга қурилиш майдонидан ташқаридаги тупрок ташувчилар;

- қурилишни электроэнергия, сув, иссиқлик ва шунга ўхшаш таъминлаш учун қурилиш майдонидаги (қурилиш ҳудуди) манбадан тақсимлаш мосламасигача уланган вақтинчалик коммуникацияларни қуриш;

- дастлабки район қурилишини ўзлаштириш мақсадида магистрал линияли иншоотларни умумий тармоғини қуришда трасса (трасса йўллари) бўйлаб вақтинчалик йўлларни қуриш;

- линияли иншоотларни қурганда қурилиш материалларини ташишни таъминлаш мақсадида зарур вақтинчалик қуриладиган йўлларни (автомобил, темирйўл ва бошқалар) қуриш. Бу ҳолда сунъий иншоотлар: кўприклар, путепроводлар, туннеллар ва шу кабилар, трассада иш бошлангунча амалга оширилади;

1.6. Титуллик вақтинчалик бинолар ва иншоотлар қурилишининг смета нормаларида қуйидаги харажатлар ҳисобга олинмайди:

- вақтинчалик бинолар ва иншоотлар қурилиши учун ажратилган ер ва тайёрланган ҳудуд ҳақи, шу билан бирга: қуриштиш, сепиш ёки ювиш, рекултивациялаш, сувдан фойдаланишни тиклаш ва дарахтзорлардан тозалаш (ушбу харажатлар тўғри келадиган

ШНҚ 4.09-06

нормалар ва низомлар орқали аниқланади);

- Қурилиш даврида фойдаланилган (қурилишнинг старт баҳоси, қурилишни ташкил этиш лойиҳаси ва ушбу ишларнинг ресурс сметасида ҳисобга олинади) мунтазам ҳаракатдаги автомобил йўллари, қурилиш тугагандан сўнг тиклаш ва қараб туриш;

- қарердаги ва тупроқ ағдарилган жойдаги вақтинчалик тупроқ ташувчи машиналар йўлини қуриш ер ишларининг ресурс смета ҳисобларида эътиборга олинган;

- йиғма-қисмларга бўлинадиган вақтинчалик бинолар, инвентар уйлар, вагонлар ва бошқа контейнер турдаги хоналар, ҳамда уларни жиҳозлаш учун, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарларини (буюртмачи ёки пудратчи ташкилотларни хусусий маблағи ҳисобига сотиб олинади) ҳисобга олиб комплект инвентар деталларини сотиб олади;

- вахта посёлкаларига (вахта усули бўйича қуриладиган объектлар, лойиҳани тасдиқлаган инстанцияни розилиги билан бошқа ишлар ва ҳаражатларда ҳисобга олинади) қараб туриш ва фойдаланиш.

Пудрат ташкилотларини контейнер ва йиғма-қисмларга ажратиш турдаги хоналари ҳаражатлари ушбу смета нормаларида ўрнини чегараланган маблағ ҳисобига тўлдирилиши мумкин ёки агар вақтинчалик бинолар ва иншоотларни ҳаражатлар ўлчами қурилишини ташкил этиш лойиҳаси бўйича ҳисобланган бўлса, унда инвентар биноларни сотиб олиш маблағи ҳисобга қўшилади.

- қурилиш материаллари ва конструкцияларини бир автотранспорт туридан бошқасига қайта ортиш пунктларидан пудратчининг вақтинчалик ортиш ва юклаш омборини қуриш, ҳамда қурилиш майдони чегарасидан (қурилишни ташкил этиш лойиҳаси ва ресурс смета ҳисоблари асосида бошқа ишлар ва ҳаражатларда ҳисобга олинади) ташқарида пудратчининг ортиш ва юклаш омборларини қуриш;

- титуллик вақтинчалик бинолар ва иншоотларни, ҳамда бир турли вақтинчалик бинолар ва иншоотларни боғлаш (ушбу ҳаражатлар ва сарфлар лойиҳа ва тадқиқот ишлари, муаллифлик назорати ва буюртмачининг бошқа ҳаражатлари таркибига киради) лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

1.7. Қурилишни ташкил этиш лойиҳасига мувофиқ фақат муайян объект учун монтаж ишлари ва айрим қурилиш турларини вақтинчалик зарур мосламаларини қуриш давридаги ҳаражатлари бевосита ресурс сметаларда ҳисобга олинган ва смета нормаларига киритилмаган;

- релсли юк кўтаргич кранлар изи остига (кран ости изларига) асослар остини қуриш билан бирга;

- асбоб-ускуналарни бир маромда қозик оёқларни қурганда, ҳамда ишлаб чиқариш ишларини “девор груноти” усули учун асбоб-ускуналар, пўлат конструкцияларни йирик блоklar билан монтаж этиш учун конвейр линияларни таъминлаш учун асослар;

- ҳаракатдаги иншоотларни янги қурилаётган, қўшимча қурилаётган ёки таъмирланаётган, ҳамда бинонинг айрим зарур қисмини фойдаланишга топшириш учун вақтинчалик тўсиқ конструкциялари;

- вақтинчалик чизма бўйича фойдаланишга топширилаётган объектларни ишга тушириш учун зарур иншоотлар ва тармоқларни қуриш;

- каркасни монтаж этиш учун бинолар қурилишининг ички вақтинчалик йўллари;

- қирғоқларни мустаҳкамлаш ишларини бажариш учун причаллар;

- гумбаз қолиплари;

- оралиқ тиргаклари;

- пармалаб портлатиш ишларини бажаришда бино ва иншоотларни шикастланишдан ҳимоя этиш конструкциялари;

- вақтинчалик шахта усти биноларини қуриш;

- вақтинчалик откатка изларини ётқишиш;

- янги ёки амалдаги бино ва иншоотларни қайта қуриш билан боғлиқ вақтинчалик, темир йўл ёки автотўрақларни айланиб ўтиш йўллари қуриш.

Рўйхат қурилишни ташкил этиш лойиҳаси асосида тўлдирилиши мумкин.

2. Нормалардан фойдаланиш тартиби

1-иловада берилган смета нормалари янги қурилиш шароитлари учун ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқариш биноларини капитал таъмирлаш, ҳаракатдаги корхоналар, бинолар ва иншоотларни реконструкция ва кенгайтириш, қурилиш ҳудудидаги ҳаракатдаги корхоналар ёки унга ёндошган майдонларга смета ҳужжатларни тузганда кўрсатилган нормаларга 0,8 коэффиенти ишлатилади.

3. Вақтинчалик бинолар ва иншоотларни ҳисоблаш тартиби

3.1. Вақтинчалик титуллик бинолар ва иншоотлар қурилиш ўлчов маблағи қуйидагича аниқланиши мумкин:

- қурилишнинг старт баҳосини ушбу нормалар тўплами орқали аниқланади;

- қурилишнинг баҳосини танлов савдосиз аниқланганда, қурилишни ташкил этиш лойиҳаси маълумотлари асосидаги ҳисоб бўйича.

3.2. Буюртмачилар ва пудратчилар орасидаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар учун ҳисоблар ҳақиқий қурилган, тўлиқ қуриб битказилган (под “ключ”) объектлар қурилишдан ташқари вақтинчалик бинолар ва иншоотлар учун бажарилади. Объектни старт баҳоси

ҳисобланганда вақтинчалик бинолар ва иншоотлар қурилиши харажатлари мазкур тўплам нормалари чегарасида ҳисобга олиниши тавсия этилади.

3.3. Қурилган титуллик вақтинчалик бинолар ва иншоотлар фойдаланишга қабул қилинади, буюртмачининг асосий маблағларига киритилади (вақтинчалик автомобил йўллари, шоҳобча йўллари ва деворларни архитектура безаклашдан ташқари) ва пудрат шартномаси бўйича ўрнатилган тартибда фойдаланиш учун пудратчига берилади.

3.4. Вақтинчалик бинолар ва иншоотларни бузиш харажатлари уларни тугатишда тўланади.

Буюртмачининг балансидаги вақтинчалик бинолар ва иншоотларни бузишдан ҳосил бўлган материаллар, деталларни сотишдан тушган қайтариладиган маблағлар, ушбу материаллар ва деталларни жорий нархда сотиш ҳисобга олиниб ҳисоблаш орқали аниқланади (уларни ишга яроқли ҳолатга келтириб ва тахлаш жойига келтириш сарфларини айирган ҳолда).

3.5. Вақтинчалик бинолар ва иншоотларни бузишдан ҳосил бўлган материаллар ва конструкциялар буюртмачининг бухгалтерияси киримида киритилади ва пудратчининг розилиги бўйича унга сотилади.

3.6. Вақтинчалик автомобил йўллари қуриш учун йиғма темир-бетон плиталар ишлатилганда плиталарни бузилишдан ҳосил бўлган қайтариш баҳоси буюртмаси ва пудратчи имзолаган далолатнома асосида аниқланади.

**Титуллик вақтинчалик бинолар ва иншоотлар қурилишига
смета харажати нормалари**

| № | Қурилиш корхоналари, бинолари ва иншоотларининг турлари номлари | Тўғридан-тўғри смета харажатлари нормасидан % |
|-------------------------------|---|--|
| 1 | 2 | 3 |
| Саноат қурилиши | | |
| 1 | Қора металлургия саноати корхоналари (тоғ-кон саноатидан ташқари) | 3,4 |
| 2 | Рангли металлургия саноати корхоналари (тоғ-кон саноатидан ташқари) | 2,6 |
| 3 | Нефт, газ ва газконденсат қазилма конлари объектларини қуриш (кон саноати) | 3,5 |
| 4 | Машинасозлик ва электротехник саноати корхонаси | 2,8 |
| 5 | Тоғ-кон саноати корхонаси: | |
| | а) Янги кўмир (сланец) шахталари ва рудниклар қурилиши | 4,5 |
| | б) Фойдали қазилмалар фабрикаси қурилиши ҳаракатдаги тоғ-кон корхоналарини янги горизонтларини тайёрлаш ва очиш | 3,2 |
| | в) Усти очиқ кўмир (сланец) конларини қуриш | 3,4 |
| 6 | Кимё саноати корхоналари: | |
| | а) Нефтни қайта ишлаш ва нефт-кимё заводлари | 3,9 |
| | б) Бошқа кимё саноати объектлари | 3,3 |
| 7 | Қурилиш материаллари ва стройиндустрия саноати корхоналари | 2,4 |
| 8 | Қоғоз-целлюза саноати корхоналари | 3,6 |
| 9 | Енгил саноат корхоналари | 2,2 |
| 10 | Озиқ-овқат саноати корхоналари | 3,0 |
| 11 | Тиббиёт саноати корхоналари | 2,2 |
| 12 | Микробиология саноати корхоналари | 3,0 |
| Энергетика қурилишлари | | |
| 13 | Иссиқлик электростанциялари: | |
| | а) Қуввати 2500 МВТ гача 210-300 МВТ блокли конденсационлар | 5,5 |
| | б) 5000 МВТ қувватгача 500-800 МВТ блокли конденсационлар | 5,4 |

| № | Қурилиш корхоналари, бинолари ва иншоотларининг турлари номлари | Тўғридан-тўғри смета харажатлари нормасидан % |
|------------------------------|--|--|
| 1 | 2 | 3 |
| 14 | 4000 МВТ ва юқори қувватли атом электростанциялари | 8,2 |
| 15 | Саноат-иситиш ТЭЦ | 5,4 |
| 16 | Мустақил қозонхоналар | 3,2 |
| 17 | 35 КВ ва юқори электр узатиш линиялари | 3,3 |
| 18 | 35 КВ ва юқори трансформатор подстанциялари ва бошқа энергетика қурилиш объектлари | 3,9 |
| 19 | Ҳаво электр узатиш линиялари ёритиш билан бирга, 0,4-35 КВ трансформатор подстанциялари | 2,5 |
| Транспорт қурилишлари | | |
| 20 | Туннелсиз ва кўприксиз (путепроводлар) узунлиги 50 м ортиқ янги темир йўллар | 8,2 |
| 21 | Туннелсиз ва кўприксиз (путепроводлар) узунлиги 50 м ортиқ иккинчи асосий темир йўл йўллари | 5,6 |
| 22 | Темир йўл қисмларини электрлаштириш | 4,8 |
| 23 | Темир йўл узеллари, станцияларини ривожлантириш, темир йўлларни реконструкция этиш (темир) | 3,7 |
| 24 | Республика аҳамиятига эга ва 1-4 категорияли туннелсиз ва кўприксиз (путепроводлар) узунлиги 50 м ортиқ маҳаллий (қаттиқ тўшамли) автомобил йўллари: | |
| | а) Йўл қурилишида фойдаланиладиган вақтинчалик кўчма асфалт-бетон ва цемент-бетон заводлар; | 6,4 |
| | б) Йўл тўшамлари учун ҳаракатдаги кўчмас корхоналардан цемент-бетон йўлларни қабул қилганда; | 4,1 |
| 25 | Метрополитенлар | 6,0 |
| 26 | Узунлиги 50 м ортиқ темир йўл ва авто йўл кўприклари ва путепроводлар | 10,1 |
| 27 | Шаҳар кўприклари ва путепроводлар: | |
| | а) Кўприк қурилиш ташкилотларини доимий жойлашган макони | 4,2 |
| | б) Бошқа пунктларда | 6,0 |
| 28 | Аэродромлар: | |
| | а) Аэродром майдонлари | 5,1 |
| | б) Ҳизмат-техника зоналари бинолари ва иншоотлари | 3,1 |

| № | Қурилиш корхоналари, бинолари ва иншоотларининг турлари номлари | Тўғридан-тўғри смета харажатлари нормасидан % |
|--|--|--|
| 1 | 2 | 3 |
| 29 | Дарё транспорти объектлари | 5,4 |
| 30 | Коллектор туннеллари | 5,1 |
| Шаҳарларда ва ишчи поселкаларда уй жой-фуқоро қурилишлари | | |
| 31 | Яшаш уйлари ва ободонлаштириш: | |
| | а) Яшаш уйлари, шу жумладан орасига қурилган жойлар билан (дўконлар, корхоналар ва шу кабилар) | 1,1 |
| | б) Микрорайонлар, кварталлар, уй-жой ва жамоат бинолари комплекси (ташқи тармоқлари ва ободонлаштиришни қўшиб) | 1,2 |
| | в) Шаҳарлар ва поселкаларни ободонлаштириш (кўчалар, тор кўчалар, йўлкалар, кўкаламзорлаштириш ишлари қурилишни қўшиб) | 1,5 |
| 32 | Касб-хунар колледжлари, академик лицейлар, мактаблар, болалар боғчалари, яслилар, магазинлар, маъмурий бинолар, кинотеатрлар, театрлар, суратлар галереяси ва бошқа фуқоро қурилиши бинолари | 1,8 |
| 33 | Ўқув ва даволаниш бинолари ва иншоотлари, илмий-текшириш, конструкциялик ва лойиҳалаш институтлари | 1,8 |
| 34 | Коммунал хизмати объектлари (ҳаммомлар, кирхоналар, крематориялар ва ш у кабилар) | 1,6 |
| 35 | Шаҳар чегарасидаги (линияли қисм) ташқи сув қувурлари тармоқлари, канализациялар, иссиқлик ва газ билан таъминлаш | 1,5 |
| 36 | Шаҳарларни сув билан таъминлаш ва канализация (таркибида трубопроводлар, насос станциялари, тозалаш иншоотлар ва шунга ўхшаш комплекс инженерлик иншоотлари) | 2,4 |
| 37 | Шаҳар электр транспорти (трамвай, троллейбус деполари, трамвай ва троллейбус излари, тортиш подстанциялари, охириги станциялар, йўл хизмати устахоналари ва энергия хўжалиги) | 2,8 |
| 38 | Тезюрар трамвай излари | 4,0 |
| 39 | Санаториялар, дам олиш уйлари, турбазалар, пансионатлар, профилакториялар, ўқувчилар учун ёзги лагерлар | 2,3 |
| Бошқа қурилиш турлари | | |
| 40 | Донни қайта ишлаш ва сақлаб қабул этиш бинолари ва иншоотлари, нон заводлари | 3,1 |
| 41 | Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги объектлари қурилиши: | |

| № | Қурилиш корхоналари, бинолари ва иншоотларининг турлари номлари | Тўғридан-тўғри смета харажатлари нормасидан % |
|----|--|--|
| 1 | 2 | 3 |
| | а) Умумий ва махсус хизмати | 3,1 |
| | б) Уй-жой, казарма, коммунал ва маданий-маиший белгиланган | 2,4 |
| 42 | Алоқа иншоотлари ва тармоқлари: а) Радиорелей алоқа линиялари б) Станция иншоотлари, каби ва ҳаво магистраллари, зона бўйича кабел ва ҳаво линиялар (вилоятлараро) ва қишлоқ алоқалари в) Шаҳар телефон тармоқлари, станциялараро алоқа линиялари ва узеллари г) Бошқа объектлар (почтамтлар, туман алоқа узеллари ва шунга ўхшаш) д) Радио эшиттириш ва телевидения объектлари | 6,5 4,7 2,4 3,2 3,8 |
| 43 | Қишлоқ хўжалик қурилишлари, қишлоқ жойларда уй-жой ва фукоро қурилишларини қўшиб (автомобил йўллари қурилиши ва электрофикациялашдан ташқари) | 3,1 |
| 44 | Сув хўжалиги қурилишлари ва гидротехник иншоотлар, балиқчилик хўжалиги учун ҳавза иншоотларида балиқ запасларини урчитиш бўйича балиқчилик заводлари ва балиқ уруғларини ўстириш хўжаликлари | 4,6 |
| 45 | Шаҳарлар ташқарисидаги магистрал трубопроводлар: а) Сув билан таъминлаш, канализация б) Газопроводлар ва нефтепроводлар: - Майдон иншоотлари (компрессор хоналар ва насос станциялари, газ тақсимлагич станциялари) - Линия қисми (электрокимёлаштириш ва техник алоқа линияларини қўшиб) в) Иссиқлик тармоқлари | 2,9 7,2 2,7 2,2 |
| 46 | Мустақил лойиҳа бўйича қуриладиган тозалаш иншоотлари, сув қувурлари ва канализация станциялари | 3,8 |
| 47 | Таъминлаш корхоналари | 2,6 |
| 48 | Саноатнинг бошқа соҳалари корхоналари | 2,7 |

2 илова

**Смета нормалари таркибида
ҳисобга олинган вақтинчалик
титуллик бинолар ва иншоотларга
алоқадор ишлар ва харажатлар
рўйхати**

1. Қурилиш ходимларига хизмат кўрсатиш учун янги қурилган мунтазам бинолар ва иншоотларни вақтинчалик мувофиқлаштириш, фойдаланиб бўлгандан сўнг уларни тиклаш ва таъмирлаш.

2. Мавжуд хоналарни кейинчалик жихозларини тугатиш билан мувофиқлаштириш ва ижарага олиш.

3. Янги қурилган ва мавжуд мунтазам бинолар ва иншоотларни қурилиш, ишлаб чиқариш зарурияти учун вақтинчалик мувофиқлаштириш, фойдаланиб бўлгандан сўнг тиклаш ва таъмирлаш.

4. Қурилиш майдонидаги контейнерли ва йиғма-қисмларга ажратилган ҳаракатланувчи (инвентар), ишлаб чиқариш, омборхона, ёрдамчи, уй-жой ва жамоат бинолари ва иншоотларини конструкциялари ва деталларини жойларга кўчириш, асослар ва пойдеворларни қуриш, зарурий пардозлаш билан монтаж этиш, ускуналарни монтаж этиш, муҳандислик тармоқларини киритиш, бузиш ва демонтажлаш, майдонларни тиклаш, конструкциялар ва деталларни омборга жойлаш.

5. Контейнер, йиғма-қисмларга ажратиладиган ҳаракатланувчи (инвентар) турдаги (ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатларда ҳисобга олинмаган, маиший-санитар хизмати бинолари харажатида ташқари) биноларни жорий таъмирлаш сарфининг амортизация (ижара ҳақи) чегирмаси.

6. Қурилиш майдонидаги ёпиқ вақтинчалик материал-техник омборлар (иситилмайдиган ва иситилмайдиган) ва мазкур қурилиш учун келтирилган асбоб-ускуналар ва конструкциялар,

материалларни очик ҳолда сақлаш учун омборлар.

7. Материаллар, буюмлар, конструкциялар ва асбоб-ускуналар, ҳамда юклаш ва юк тушуриш ишлари учун вақтинчалик жиҳозлаш (майдонлар, платформалар ва бошқалар).

8. Кўп вазифаларни бажаришга мўлжалланган (механик-таъмирлаш, арматура, дурадгорлик ва бошқалар) вақтинчалик ишлаб чиқариш устахоналари.

9. Электростанциялар, трансформатор подстанциялар, қозонхоналар, насосхоналар, калориферхоналар, вентиляция хоналари ва шунга ўхшаш вақтинчалик фойдаланиш бинолари (иншоотлар), созлаш ишлари билан бирга.

10. Пардозлаш ишлари учун вақтинчалик станциялар.

11. Манбалар устки қатламини зарарсизлантириш ва тозалаш учун вақтинчалик қурилмалар.

12. Вақтинчалик тош майдалаш-саралаш қурилмалари, бетонқоришма узеллари, бетон ва қоришма тайёрлаш учун жиҳозланган ёки кўчма линияли қурилиш қурилмалари.

13. Грунтларни тайёрлаш учун ишлов берилган органик ва неорганик боғловчи, вақтинчалик қурилмалар, бетон ва асфальтбетон аралашмалари, битумни сақлаш билан бирга ва шунга ўхшашлиги учун вақтинчалик бетон ва асфалт-бетон заводлари.

14. Темир-бетон ва бетон буюмлари ва қўшимча элементлар, пропарка камералари билан бирга тайёрлаш учун полигонлар.

15. Асбоб-ускуналарни дастлабки ва йириклаштириб йиғиш учун стендлар ва майдончалар.

16. Темир йўл изларини звенолаб йиғиш учун звено йиғиш базалари.

17. Йўллардан ташқари, вақтинчалик карьерларни ва биноларни қуриш.

18. Вақтинчалик қурилиш участкалари идоралари, қурилиш-монтаж

бошқармалари ва шунга ўхшаш ташкилотларнинг поездлари.

19. Қурилиш майдонидаги қурилиш материаллари ва буюмларини синаш учун вақтинчалик лабораториялар.

20. Вақтинчалик гаражлар.

21. Ёнғинга қарши тадбирлар билан боғлиқ, қурилиш майдонидаги вақтинчалик иншоотлар.

22. Машиналар ва механизмлар остига асослар ва пойдеворларни қуриш (қозик оёқларни қоқиш ва юк кўтарувчи кранларни кран ости излари учун қозик қоқувчи асбоб-ускуналарни бир маромда ишлашини таъминлаш асосларини қуриш).

23. Шаҳардаги деворлар ва тўсиқларни маҳсус ва архитектура бўйича безаклаш.

24. Қурилиш майдони ёки трассалар бўйича ўтувчи йўлқалар ва вақтинчалик темир, тупроқ ташувчи автомобил * йўлларни қуриш ва қараб туриш, шу жумладан: трассали йўллар ва қуриладиган линияли иншоотлар, сунъий иншоотлар, эстакадалар ва ўтиш жойлари оралиғи билан боғловчи участкалар, йўллар ва йўлқаларни бузиш.

** Вақтинчалик йўл конструкциялари қопламаларидаги йиғма темир-бетон плиталаридан фойдаланиш ва айланиб туриш қурилишини ташкил этиш лойиҳасида асосланган бўлиши керак.*

25. Материаллар ва деталларни жойдан-жойга кўчиши, ҳамда уларни бузиш учун вақтинчалик осма йўллар ва кабел кранларни қуриш.

26. Қурилиш майдонидан ўтувчи электроэнергия, сув, иссиқлик, алоқа тармоқлари ва бошқа коммуникациялар билан таъминланиш учун вақтинчалик коммуникацияларни қуриш ва бузиш.

27. Вақтинчалик турар-жойларни (шу жумладан вахтали) яратиш ва ободонлаштириш.

Пудратчи ташкилотларнинг бошқа харажатларида ҳисобга олинмаган титулсиз вақтинчалик бинолар ва иншоотларга алоқадор ишлар ва харажатлар рўйҳати

1. Объектдаги прораблар ва усталарни омборлари ва идоралари.

2. Объект қурилишидаги омборхоналар ва шийпонлар.

3. Душхоналар, кубхоналар, канализациясиз хожатхоналар ва ишчилар исиниши учун хоналар.

4. Настиллар, нарвонлар, зиналар, ўтиш кўприклари, юриш тахталари, биноларни қуриш режасини тузиш обноскалари.

5. Техника хавфсизлиги бўйича иншоотлар ва мосламалар.

6. Ишлаб чиқариш ишлари учун зарур соябонлар, яшириниш жойлари учун асбоб-ускуналар монтажи, ташқи осма ҳавозалар, деворлар ва тўсиқлар * нормативи ёки қурилиш ишлари смета нормаларида кўрсатилмаган ҳавозалар.

** Вақти ва техник характеристикаси бўйича арзимас ва тез ишдан чиқувчи предметларга таълуқли деворлар ва тўсиқлар.*

7. Магистрал ва электроэнергиялар, сувлар, парлар, газлар ва ҳаволарни иш зонасида тарқатувчи (бино периметри ёки линияли иншоотларнинг ўқларидан 25 метргача чегараси ҳудудида) вақтинчалик ажратиш;

8. Қурилиш майдонларидаги, юқорида кўрсатилган қурилишлар ўрнига мавжуд ва қуриладиган биноларни мослаштириш билан боғлиқ харажатлар.

М у н д а р и ж а

| | Стр. |
|--|-----------|
| Кириш | 3 |
| 1. Умумий қоидалар | 3 |
| 2. Нормалардан фойдаланиш тартиби | 6 |
| 3. Вақтинчалик бинолар ва иншоотларни ҳисоблаш тартиби | 6 |
| | |
| 1 илова | |
| Титуллик вақтинчалик бинолар ва иншоотлар қурилишига смета харажати нормалари | 7 |
| Саноат қурилиши | 7 |
| Энергетика қурилишлари | 7 |
| Транспорт қурилишлари | 8 |
| Шаҳарларда ва ишчи поселкаларда уй жой-фуқоро қурилишлари | 9 |
| Бошқа қурилиш турлари | 9 |
| 2 илова | |
| Смета нормалари таркибида ҳисобга олинган вақтинчалик титуллик бинолар ва иншоотларга алоқадор ишлар ва харажатлар рўйхати | 11 |
| 3 илова | |
| Пудратчи ташкилотларнинг бошқа харажатларида ҳисобга олинган титулсиз вақтинчалик бинолар ва иншоотларга алоқадор ишлар ва харажатлар рўйхати | 12 |